



ИШОНСАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 март, чоршанба №36 (868)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Ислон КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар! Азиз опа-сингиллар! Мунис ва лобар қизларимиз!
Барчангизни зеболик ва нафосат айёми - 8 март байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Бу гўзал айёмнинг илк баҳор кунларида байрам қилиниши бежиз эмас. Чунки Баҳор ва Аёл тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат, покиза орзу-умидлар мурасам.
Аёл зоти Оллоҳ таоло яратган табииатнинг энг буюк мўъжизаси, деган фикрда теран маъно бор.
Аваллалар, аёл - ўзининг бетакрорлиги билан мўъжиза.
Аёл - ўзининг гўзаллиги билан мўъжиза.
Аёл нафақат оилада, балки бутун жамият ҳаётида меҳр-муҳаббат, оқибат, аҳиллик муҳитини қарор топтириши билан мўъжиза.
Аёл зотининг ҳаётни давом эттиришдек қудрати, оналик саноатининг ўзи улуг бир мўъжиза эмасми?
Оқ суги билан янги-янги авлодлар қалбига ўз юртига меҳр ва садоқат, ҳалоллик ва фидойиллик фазилятларини сингдира олиши аёл буюклигининг яна бир ифодаси эмасми?
Муҳтасар қилиб айтганда, аёл инсонни инсон, оилани оила қиладиган, ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган мўътабар зотдир. Аждодларимизнинг аёл-

ларга нечоғли ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром қўрсатгани барчамизга яхши маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу эзгу фазилятлар миллатимизнинг қон-қонидан ашаб келмоқда.
Бу бизнинг ана шу азалий қадриятларга содиқ бўлиб амалга ошираётган бугунги хайрли ишларимизда намоён бўлмоқда.
Шу нуқтага назардан қараганда, Аёллар йили муносабати билан белгилаган тадбирларимиз бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, албатта. Уларни изчил давом эттириш, бу борадаги орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.
Биз буюк келажакимизни яратиш, ҳаётимизни фаровон ва ёруғ қилиш мақсадида қандай ташаббус бошламайлик, бу эзгу интилишларимизда аввало муҳтарам аёлларимизга таянамиз.
Инсон манфаатлари йили дейимизки, Оила йили дейимизки, Соғлом авлод йили дейимизки, бу борада дастур ва режаларимизнинг рўёбга чиқиши биринчи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-заковати, жасорати ва фидойилигига боғлиқ.
Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аёлларимизнинг фаоллиги, жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётгани, Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фазилятларни тўла намоён

қилаётгани «Аёл дунё бешинчи тебратадиган», деган ҳикматнинг тасдиғи эмасми?
Энг муҳими, мен ватандошларимга, халқимизга яна бир бор шуни айтмоқчиман: биз ўзимиз танлаган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, кўзлаган мақсад-муддаоларимизга етиш, халқимизнинг руҳини уйғотиш йўлида эзгу қадриятларимизни таянч деб билиб, улардан ҳамisha маънавий куч-қудрат оламиз.
Бу қадриятлар замирида аёлга ҳурмат, аёлга эҳтиром туйғулари жамиятимиз маданий савиясини, унинг маънавиятини янги босқичга кўтаришга, инсоний фазилятларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.
Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.
Муҳтарам оналар, қадри опа-сингиллар!
Дилбар қизларим!
Сизларни яна бир бор улуг айём - халқаро Хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.
Ҳаётимизни маъно-мазмун билан тўлдириб, умр йўлларимизни мунаввар этиб келаятган сиз - азизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.
Толеингиз баланд, умрингиз узок, ризқ-насиб-бангиз доимо бутун бўлсин!
Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамisha омон бўлинг!

Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг тақлифларига асосан, аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан иқтидорли қизларга иловага мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилсин.
2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8-март хотин-қизлар байрамига бағишлаб

- ўтказиладиган тантанада соҳибдорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.
 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.
 4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғулмова зиммасига юксалсин.
- Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова
Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган шахслар РЎЙ ХАТИ
Мустапаева Гульмира Кошкарбаевна
- Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг 11-синф ўқувчиси
Сотқинова Жамила Инобидиновна
- Андижон вилояти, Избоскан тумани, 6-гимназиянинг инглиз ва урду тили ўқитувчиси
Орипова Ирода Талабона
- Бухоро вилояти, Пешку тумани, 11-мактаб кутубхона мудири
Муродова Сайёра Собировна
- Жиззах Давлат педа-

гогика институти биология кафедрасининг ўқитувчиси
Эргашева Гулҳаё
- Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Амир Темур номидаги гимназиянинг 7-синф ўқувчиси
Рўзиева Феруза Усмоновна
- Навоий вилояти, Навоий шаҳар, 13-мактабнинг 11-синф ўқувчиси
Маҳмуджоева Зулхумор Юнусовна
- Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 4-курс талабаси
Тожиёва Розия
- Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, 6-қишлоқ кутубхонаси мудири
Курбонова Нодира Аҳмадовна
- Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, 41-мактабнинг 6-синф ўқувчиси

Маҳмараимова Шоҳиста Тўхтасевна
- Сурхондарё вилояти «Жарқўргон ҳақиқати» газетасининг муҳбири
Тўлабоева Рухсора Сайфуллаевна
- Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, 14-мактабнинг 10-синф ўқувчиси
Абдуллаева Ойдин Ҳамидовна
- Тошкент Давлат консерваторияси аспиранти, муслиқ-назарий фанлар ўқитувчиси
Содиқова Дилфуза Акрамжоновна
- Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, «Истиқбол» номли гимназиянинг 11-синф ўқувчиси
Жуматовна Дилрабо Аминбаева
- Хоразм вилояти, Янгиарик тумани, 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Баҳор ва нафосат байрами - 8 март арафасида Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги «Эпилок» ижара ўжғалигининг Галаботир кишлоғида яшовчи Карим ака Рафиев оиласида қувончли воқеа юз берди. Хонадонда ўсиб-ўлғаяётган севишли набира - Ислонжон икки ёшга тўлиши муносабати билан унга Президент совғаси тантанали равишда топширилди.
Карим ака ва Хидоят аяларининг катта ўғли Шўхрат мана бир неча йилдирки, ота касбини эъзозлаб 47-мактабда дурадгорлик қилиб келади. Турмуш ўртоғи Моҳира эса ижара ўжғалигида ишлайди. Улар 1998 йил 30 январда туғилган фарзандларига бобо ва молларининг оқ фотиҳаси билан Ислонжон деб исм қўйишганди. Оила аъзолари муҳтарам Президентимизга қайта сайланганлиги ҳамда туғилган кун муносабати билан табрик хати йўллаб, соғлик-саломатлик, ишларига муваффақият тилagan эди. Шу билан бирга хатда учинчи баҳорга қадам қўйган Ислонжоннинг ҳар тоқмоғида камол топаятгани айтилганди.
Мамлакатимиз раҳбари мактуби эътиборга қўйди. Бу Ислонжоннинг туғилган кун билан самимий кутлаб, совға-салом юборди. Йўлбошимчи совғасини Президент Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари С.Ҳакимов топширди. Ислонжоннинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, кўни-қўшилари Ўртбошимизнинг ёш авлодга қўрсатган ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.



Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан

Касаба уюшма мукофоти лауреатлигига номзодлар КЎНГИЛЛАРНИ ЗАБТ ЭТГАН НАВО

Куй сеҳрига, оҳанг жозибасига мафтун бўлган киши йўқ ҳисоб. Айниқса маромига етказиб ижро этилган қўшиқ қалбига кириб боради. Бе-интиҳор санъаткор маҳорати таҳсинлар айтаман. Гапнинг очиги, муҳлислар қалбидан жой олган хофизлар, яккахон хонанда, гуруҳлар кўп. Аммо мумтоз санъатининг захматини чекиб, ана шу йўлга ўзлигини бахш этган жомоалар сони бармоқ билан санарли даражада. «Наврўз» мақомчилари дастаси ҳам Сирдарёда дастурлари элга манзур бўлган ана шундай жомоалардан бири. Мана, қарийб ўн йилдирки, хонандалар турли миллий латиф қўшиқларни маромига етказиб ижро этаётир. Даста бадийи раҳбарини Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист Раҳим Ҳасанов сазий-ҳаракати билан ёш жомоа ижро маҳоратининг янги қирралари намоён бўлмоқда.
Халқимиз томонидан минг йиллар олдин ҳам севиб тингланган, айни пайтда ҳам юракларга чўғ ташловчи мақом ва мумтоз қўшиқларимизни ижро этиш учун изланишдан, интилишдан сира чарчамайди.
Ташаббус Мирзабод туман маданият ишлари бўлим мудири Раҳмонкул Саматовдан чиқди. Унга кўп елиб-югуришга тўғри келди. Аммо излаган имкон топади деганларидек,

унинг турли қишлоқларда яшовчи истеъдодларни аввалдан кўз остига олиб юргани иш берди. Энди уларга мақом санъатини чуқур биладиган, истеъдодли бир мураббий зарур эди. Бу фидойиликни ўз зиммасига ҳамма ҳам олавермайди. Олим Ҳўжаев номли вилоят мусикали драма театрида бўлиб Р.Ҳасановга дилдагиларини билдирди. Раҳим ака ҳам шундай бир эзгу ишга қўл уриши дилига тугиб юрган экан, дарров рози бўлди, қўйди.
Даставвал хонандалар овози чигиркидан ўтказилди. Ранг-баранг овозлар уйғунлигини таъминлашдан туриб, мақомга қўл уришининг ўзи бир халотлик бўлади.
Мақом турли овозли хофизлар учун кенг майдон, - давом этади Раҳим ака. - Мақомда турли авжлар майин, ўрта ва довутий овозларда ижро этилади. Бунинг мураккаблиги ҳам шунда.
Даста ижрочи ёшлари дастлаб мақомлардаги айрим ашуларга қўл урдилар. «Рост» мақомидан «Савти калон» алоҳида шўъба сифатида ижро этилди. «Таронаи ирок», «Наср», «Баётни ёд олдик. Сўнгра «Соқинамои савти калон»ни ижро этидик. Бу орада мақомчиларнинг Бухоро шаҳрида ўтказилган республика танловида иштирок этишга тўғри келди. Эндигина оёққа тураётган жомоа

икросига юқори баҳо берилди. Илк муваффақият созанда ва хофизларни руҳлантириб юборди. Улар Шашмақомнинг «Рост» мақомидаги «Сарахбори Рост»ни, «Тарона-1», «Тарона-2», «Тарона-3», «Тарона-4» ашуларни орқали «Сипориш»ни ҳам ўз мулкига айлантиришди. 1997 йили Республика мақомчиларининг Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танловда фахрли иккинчи ўринни кўлга киритишди.
- Мақомни тўлақонли ўзлаштиришга киришдик, - дейди Раҳим ака Ҳасанов. - Маълумки, мақом машғулот ва кадр қисмлардан иборат. Дастамиз созандалари «Гардуни Рост» ҳамда «Муҳаммаси Рост» куйларини ўзлаштиришга ҳам эришдилар. Кўнглимга қувонч солгани шуки ҳозир дастамиз ашуларининг ҳар бир сўни, ҳар бир нотасини ўзини қўйиб ижро этишга мушарраф бўлишган.

Мана, бир неча йилдирки, мақомчилар дастаси вилоятдаги турли танловлар ғолиби сифатида эътироф этиб келинмоқда. Бу иходий ютуққа созандалар Аҳром Орипов, Акромжон Зиёдинов, Нуриддин Ибрагимов, Мамаатқул Ибрагимов, Абдураҳмон Бобашев, Баҳодир Ҳўжакулов, Комил Каримов, Шарофиддин Эшонжоев муносиб улуш қўшиб келмоқда. Хофизлар Жумабой Холбеков, Икром Нўймонов, Баҳром Шокиров, Шарофиддин Останакулов, Анора Холқова, Ваьдагул Қўзиёва, Ирода Холбековалар ҳуш овози қалблардан чуқур жой олмоқда. Даста айни дамларда Бузрук мақомига кирувчи «Саровори бузрук» ва унинг тароналари устиди аш олиб бормоқда.
Мақомчилар дастаси фаолияти билан чуқурроқ танишар эканмиз, туман маданият уйи раҳбари Жумабой Холбеков баъзи мулоҳазаларни айтиб қолди. 1996 йилда «Наврўз» мақомчилар дастаси туман ҳокими қарори билан халқ ансамбли мақомига тавсия этилган экан. Таассуфки, бу масалани қўриб чиқиш ишлари ичакдек қўзилиб юборилган экан. Аслида гап ун-овон даражада эмас. Энг муҳими, «Наврўз» Мирзақул воҳасини ўз навалари билан қамраб, мумтоз ашуларга қўйлаб келмоқда. Шунинг ўзи энг катта ютуқ.
Нурилло ШАМСИЕВ,
«Ишонч» муҳбири.

НАФОСАТ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Муқтақил Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамда маънавий соҳаларида рўй бераётган оламшумул тарихий ўзгаришларда хотин-қизларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Биз жонжон диёримизнинг раванки йўлида жонбозлик қўрсатган ишчи ва шифокор, муаллими ва тадбиркор, муҳандис ва олимпиада элчиси юртимизга сазовор бўлган турли касб соҳибларни бўлиштириш, мушфиқ ва мунис оналаримиз билан ҳақиқий равишда фахрланамиз, уларни ҳамisha эъзозлаймиз.
Бу йилги Халқаро хотин-қизлар байрами - 8 Март ажойиб ва унутулмас дамларда - Президентимиз томонидан 2000 йил мамлакатимизда «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган ва шу муносабат билан баҳул қилинган «Соғлом авлод» Давлат дастури изчил амалга оширилаётган даврда байрам қилинаётгани ўзига хос рамзий маъно касб этмоқда.
Пойтахтимиздаги муҳтасаб «Туркистон» саройида 7 март кунини зеболик ва эзгулик, меҳр-муҳаббат ва гўзаллик рамзи байрами - 8 Мартга бағишланган тантанали йилгилишда ана шулар ҳақида сўз юритилди. Шу кун бу ерга мамлакатимиз хотин-қизлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳмонлар ташриф буюрди.
Йилгилиш Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди. Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.
Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғулмова мамлакатимиз аёлларининг муқтақил Ватанимиз раванки йўлидаги фаолияти тўғрисида гапириб, уларни кўтулге байрам билан самимий табриқлади.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан республика хотин-қизлар кўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг тавсиясига кўра, аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқларга эришяётган бир гуруҳ иқтидорли қизлар ҳуқуқат қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Йилгилишда ана шу мукофотлар тақдирланган қизларга тантанали равишда топширилди.
Йилгилишда сўзга чиққан 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг бўлим мудири, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори Л.Глининова, Ўзбекистон Қарамоми, халқ шоири Э.Воҳидов, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тарихий қадриятларимиз, миллий анъаналаримизни тикланаётган, ҳақонда муқтақил ватанимизнинг обрў эътибори охиб бораётган ҳозирги вақтда аёлларни эъзозлаш, меҳнатининг қадрига етиш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш барчамиз учун муқаддас бурч эканини таъкидлади.
Йилгилишда Олий Мажлис Раиси Э.Ҳалилов, Бош вазир Ҳ.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.
Тантаналар катта байрам концерти билан якунланди.
Т.БОТИРБЕКОВ, ЎЗА муҳбири

БУХОРОДА АМФИТЕАТР

Бухоро шаҳри марказида тўрт минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр бунёд этилмоқда. Қурувчилар уни яқинлашиб келаятган Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширишни мўлжаллашади.
Режага кўра амфитеатрда Наврўз, Муқтақил байрамларининг театрлашган томошалари, бошқа тантаналар ўтказилади. Ҳозир ишшоотда «Бухоросувқурилиш», «Бухоро-иқтидорлиш», «Аму-Бухоро-қанқурилиш» бошқармалари бунёдкорлари иш олиб бормоқда.

ҚИЗАЛОҚ ОРЗУСИГА ЕТДИ

Дунёда одам боласига ўз қучоғини кенг очган, бошлана берган, нон-тузини дарғиғ тутмаган азиз гўша - Ватани чин дилдан севиб ардоқлашдан ортиқ бахт бўлмас керак. Шунданми, ҳали ҳаётнинг паст-баландини, аччиқ-чуқунини тўла англаб улгурмаган жажжи болажонлар ҳам мурғак қалблари билан ўзларига қўрсатилаяётган меҳр-оқибатни дилдан хис қилади. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида истиқомат қиладиган беш ёшли қизалоқ Ҳадича давлатимиз раҳбари Ислон Каримовга мурожаат қилиб, ўзбекистонлик ёш авлод кўнглидаги ана шундай бахтиёрлик хис-туйғуларини баён қилиб берган бўлса не ажаб.
Ўтқир зеҳни хажжи Ҳадича билан сўзлашсангиз Ўзбекистон жуда ёқиб қолгани, болаларни бу ерда ҳамма суйиб-эркалаши, айниқса боччадаги қизикарли машғулотлар ҳақида жуда бийрон гапирди. Буларнинг барча-барчаси Президентнинг болаларни чин дилдан яхши кўришидан деб билади.
Унинг доғистонлик бўлган оиласи бундан уч йил муқаддам тақдир тақозоси билан юртимизда истиқомат қила бошлади. Айни пайтда оила бошлиғи кўмик Магаман Магамедов давлат ҳуқуқ инспекто-

ВОҲА ҚОБУСНОМАСИ

ри, рафиқаси авар Адиля Жемал бола-лар педиатри сифатида фаолият қўрсатмоқда. Оиланинг катта фарзанди Дилора ўрта мактабга, Ҳадича эса болалар богчасига қатнайди. Юртимиздаги барқарорлик, ўзаро ҳамжихатлик, энг асосийси, ёш авлодга катта эътибор бу оилада серқуёш Ўзбекистонга, унинг аҳил одамларига меҳр уйғотди. Ҳадичанинг Президент Ислон Каримовнинг суратини хонанамнинг деворига осиб қўймоқчиман, деб орзу қилгани ҳам шундан.
Бироқ катталар Ҳадичанинг фотосурат борасидаги илтимосини ҳадеганда удралай олишмади. Қизалоқнинг қистови билан онаси Ислон Каримовга хат ёзди. Мактуб эътиборсиз қолмади. Тошкент вилояти ва Ангрен шаҳар ҳокимлигидан бир гуруҳ вакиллар 8 март - баҳор байрами арафасида мазкур хонадонга ташриф буюрди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Асатов Ҳадича ва унинг оила аъзоларига Президент Ислон Каримовнинг жавоб мактуби ва совғаларини топширди. Қизалоққа Президент дастхати битилган портрет ҳам тақдим этилди.
Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири

«ОФАРИН» ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖОДКОРИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Танлов шiori: «Шу азиз Ватаним, азиз халқимизни, мусаффо осмонини ва она заманимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!»

Яна бир ҳафтадан кейин мухташам «Халқлар дўстлиги» саройида «Офарин» йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолибларини тантанали шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, «Ўзбекина-во» гастрол-концерт бирлашмаси, «Оммавий ахборот воситалари» демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказилаётган ва Президентимиз Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланган маъмурият танлови мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиздир. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати адабиёт ва санъат, матбуот, телерадиожурналистика каби йўналишларда ижод қилаётган мамлакатимиз зиялиларининг энг сара асарларини талаб-чанлик билан қўриб чиқиб, ғолибликка номзодларни аниқлашди-лар. Низомига кўра, танловга тавсия этилганларнинг ижод намуналарини қўриб чиқишда уларнинг гоёвий-бадиий ва эстетик савияси, мамлакатимиз ижодий-маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни нечоғли акс эттирганлиги, тарбиявий аҳамияти ҳисобга олинди.

Учинчи миң йиллик арафасида муस्ताқил мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган «Офарин» танлови ҳам ўз моҳиятига кўра нуфузли танловлар ва совринлар қаторидан жой олиши мумкин. Мақсад - ҳаёти ва ижодини юрт ибодли, миллий сарҳаддан бехиша этган, шу йўлда изланаётган фидойи ижодкорларни улуғлаш, меҳнатларини қадрлаш, уларни янада янги зафарларга даъват этишдир.

Айни кунларда танлов ғолибларини тантанали равишда шарафлаш маросимига катта ҳозирлик қилинмоқда. Бу ишга қўллаб-қувватлаш, ҳомиладар, саҳна усталари, рассомлар, дизайнчи-бевақиллар жабб этилган.

«Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари танлов ғолибларига топшириладиган совринларни ҳомилик асосида тайёрлаб бердилар. Кўнгилда гуру ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган бу совринларни қўриш, томоша қилишнинг ўзи бир олам қувонч.

Мамлакатимизда ўтказилаётган йирик маданий-маърифий тадбирларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган «Ўзлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу гал ҳам саҳаватпешалик қилмоқда. Улар «Халқлар дўстлиги» саройи саҳнасини махсус мосламалар билан безашни ўз зиммаларига олганлар. «Ўзбекинаво», «Ўзбекракс», «Ўзбектеатр» ижодкорлари танлов иштирокида шарафлаш учун шай бўлиб турибди. Жамоатчиликнинг бу хайрли ҳаракатини Маданият ишлари вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзтелевидение» компанияси, газета ва журналларнинг таҳририятлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқдалар. Танловга ҳомилик қилиш истагини билдираётган ташкилотлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Улар орасида ҳозирча:

- «Ўздавтамбуотқўмитаси» ижарадаги Тошкент матбаа корхонаси,
 - «Ўзбексавадо» уюшмаси,
 - «Фонон» бирлашмаси,
 - «Тошшаҳарнур» компанияси,
 - «Совластитал» қўшма корхонаси,
 - «Ўзлектроаппарат» бирлашмаси,
 - «Дамир» қўшма корхонасининг ҳиссалари юқори бўлиб турибди.
- «Офарин» танлови элимизни, юртимизни, истиқлол гоёларини тараққий этувчи аънавий ижодий беллашув бўлиб қолиши шубҳасиздир.
- А. МЕЛИБОВ**
(УзА).

«Офарин» йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови ғолиблигига тавсия этилаётган номзодлар рўйхати

1. Адабиёт ва санъат йўналиши:

А) «Энг яхши бадиий асар муаллифи» номинацияси бўйича:

НАСРИЙ АСАРЛАР БЎЙИЧА.

Шарафиддинов Озод - Адабий-танқидий мақолалари ва таржима асарлари учун.

Султонов Хайриддин - «Бобурийнома» маърифий романи учун.

Эшонқуллов Назар - Туркум хўялари учун.

Қаипбергенов Тўлепберген - Қорақалпоқ халқи тарихига бағишланган асарлари учун.

ШЕЪРИЙ АСАРЛАР БЎЙИЧА.

Раҳимбоева Кутлибека - «Озодлик» шеърлар китоби учун.

Мухаммад Юсуф - Шеър ва қўшиқлар туркуми учун.

Саидов Сирожиiddин - Шеърлар туркуми учун.

Усмонов Азим - Шеърлар туркуми учун.

Б) «Энг яхши кино, театр, оммавий саҳна/режиссёрлик иши учун» номинацияси бўйича:

Абдурахмонов Наби - Ўзбекистон Ёшлар театрида сахналаштирилган «Ато этилган муҳаббат» спектакли режиссураси учун.

Каприелов Сергей Сергеевич - Ҳамза номидаги академик драма театрида сахналаштирилган «Қирол Лир» спектаклининг режиссураси учун.

Азимов Марат - «Алломиш» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган театрлашган томоша режиссураси учун.

Умаров Валижон - Андижон вилоят мусикали драма театрида сахналаштирилган «Алломиш» спектаклининг режиссураси учун.

В) «Энг яхши хонанда» номинацияси бўйича:

Усмонова Юлдуз - Янги қўшиқлар дастури учун.

Раazzoқова Муяссар - Янги қўшиқлар дастури учун.

Ҳожимамедов Рустам -

рор Хидоятлов номидаги драма театрининг «Чеча» спектаклида Чеча образини яратганлиги учун.

Икромова Дилбар - «Ёлғиз-ёдгорим» ва «Чимилдик» фильмларидаги аёллар образларини яратганлиги учун.

Оқунева Полина - Ўзбекистон рус драма театрининг «Арлекино» спектаклида Клариче образини яратганлиги учун.

Ж) «Энг яхши мусика асари учун» номинацияси бўйича:

Бафоев Мустафо - Янги қўшиқлар туркуми учун.

Маҳмудов Мирҳалил - «Утган кунлар», «Севги» ва «Чимилдик» фильмларидаги ёзган мусикаси учун.

Мухаммадиев Нажмиiddин - Янги қўшиқлар туркуми учун.

Алимов Фарҳод - Янги қўшиқлар туркуми учун.

Д) «Энг яхши тасвирий санъат асари муаллифи» номинацияси бўйича:

Тўхтабоев Худойберди - Болаларга бағишланган проза асарлари учун.

Адашбоев Турсунбой - Болаларга бағишланган шеърлар туркуми учун.

Ерматов Шермат - Болалар учун яратилган санъат асарлари учун.

Қурбонова Нодира - Болалар учун яратилган санъат асарлари учун.

З) «Энг яхши созанда» номинацияси бўйича:

Йулдошев Муборак Саидқуллович - Ўзбек халқ эпосига ишланган асарлар туркуми учун.

Раҳметов Собир Фафурович - «Унутилмас сиймолар» портретлар туркуми учун.

Саъдуллоев Темурут - Буюк аждодларимиз сиймоларини яратганлиги учун.

Машрапов Эркабой - Жалолиддин Мангуберди ва «Алломиш»га бағишланган асарлари учун.

Е) «Кино ва телевидениедаги энг яхши режиссёрлик иши учун» номинацияси бўйича:

«Ёлғиз-ёдгорим» фильми учун /реж. Собир Назармухамедов/.

«Чархпалак» телефильми учун /реж. Шавкат Жунайдуллаев/.

«Воиз» фильми учун /реж. Юсуф Розиқов/.

«Алломиш» мультфильми учун /реж. Н.Тўлаҳўжаев/.

Ё) «Кино ва театр соҳаларидаги энг яхши ижрочи актёр» номинацияси бўйича:

Азизов Турғун - Ҳамза номидаги академик драмтеатрининг «Қирол Лир» спектаклида Қирол Лир образини яратганлиги учун.

Бегматов Азиза - Аб-

«Феврал воқеалари» ҳужжатли-публицистик фильми учун.

2. Аъзамов Қуддус - «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» кўрсатуви учун.

3. Бузруков Аҳмадjon - «Адашганлар қисмати» эшиттириши учун.

4. Тиллаҳўжаев Саидмурод - «Маънавият чашмалари» эшиттириши учун.

Б) «Иқтисодий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи» номинацияси бўйича:

1. Содиқов Абдор - «Мулкдор» кўрсатуви учун.

2. Даминова Светлана - «Привитизация: Шаг за шагом» кўрсатуви учун.

3. Жўраев Асадулла - «Худуд» кўрсатуви учун.

4. Хўжанов Саҳобиддин - «Иш билганга миң танга» эшиттириши учун.

В) «Маданий ва маърифий мавзудаги энг яхши кўрсатув-эшиттириш муаллифи» номинацияси бўйича:

1. Кўшқов Дилмурод - «Хидоят сари» кўрсатуви учун.

2. Ҳамидова Дилдора - «Синфдош» кўрсатуви учун.

3. Норқобилов Нормурод - «Остонаси тиллодан» кўрсатуви учун.

4. Усмонова Муаттар - «Хамрох» радио-эшиттириши учун.

Г) «Энг яхши телерадиорежиссёрлик иши» номинацияси бўйича:

1. Ёқубов Баҳром - «Феврал воқеалари» ҳужжатли-публицистик фильми учун.

2. Ҳақимов Қўзйжон - «Садо-99» танлови учун.

3. Жумаев Раҳмат - «Жалолиддин Мангуберди» радиопостановкаси учун.

4. Қосимов Жаҳонгир - «Шайтанот» видеофильми учун.

Д) «Энг яхши телетасвиричи иши» номинацияси бўйича:

1. Слоботкин Андрей - «Феврал воқеалари» ҳужжатли - публицистик фильми учун.

2. Қодиров Шариф - Республикаимизда ўтказилган оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширганлиги учун.

3. Шодиева Раъно - «Чимилдик» бадиий фильмидаги бош қаҳрамон образи учун.

4. Кимсанов Машраб - Кино, театр ва телевидениедаги энг яхши эркак образини яратгани учун.

3. Шодиева Раъно - «Чимилдик» бадиий фильмидаги бош қаҳрамон образи учун.

4. Кимсанов Машраб - Кино, театр ва телевидениедаги энг яхши эркак образини яратгани учун.

3. Матбуот йўналиши:

А) «Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи» номинацияси бўйича:

1. Акбаров Турсунали -

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.

2. Гребенюк Ирина - Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.

3. Мелибоев Аҳмадjon - Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.

4. Норқобилов Қўқор - Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун.

Б) «Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи» номинацияси бўйича:

1. Исомиддинов Заҳриддин - Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

2. Каримов Наим - Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

3. Содиқова Турсуной - Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

4. Қаршибоев Муртазо - Маданий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун.

В) «Энг яхши фотохудожин» номинацияси бўйича:

1. Албеков Равиль - Муस्ताқиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

2. Қурбонбоев Фарҳод - Муस्ताқиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

3. Мухаммадjonов Нўмон - Муस्ताқиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

4. Тўраев Абдувоҳид - Муस्ताқиллик ва истиқлол мавзудаги фотосуратлари учун.

Г) Уч йўналишда «Йилнинг энг яхши ҳомиеси» номинацияси бўйича мукофотлар топшириш кўзда тутилган.

2000 йил, 14-март, соат 19.00 да «Халқлар Дўстлиги» саройида «Офарин» йилнинг энг яхши ижодкори Республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган адабий-бадиий-музыкали кеча ўтказилди.

Ижодкорлар байрамга марҳабо, азиз юртдошлар!

ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

ИШЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти поликлиникаси қоидада пуллик хизмат кўрсатиш тизимининг жорий этилиши завод ишчи-хизматчилари саломатлигини муҳофаза қилиш учун зарур дори-дармонлар ва tibбий воситалар сотиб олиш учун қўшимча маблағ топиш имконини берди.

Бу поликлиника таъминотини тўлалтиришга сақлаб келаётган завод маъмуриятига ҳам баҳоли қудрат мадад бўлмоқда, - деди бош шифокор Галина Фурцева. - Аҳамиятли томони шундаки, завод ишчилари учун tibбий хизматнинг барча туридан бепул фойдаланиш имтиёзи сақлаб қолинди.

Пуллик хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилиши афрофадаги аҳоли учун ҳам қатор қулайликлар яратди. Уларга барча турдаги тор ихтисослик мутахассислари малакали хизмат кўрсатмоқдалар. УЗИ, ЭКГ, рентген ва флюорография каби замонавий tibбий асбоб-ускуналар, тезкор лаборатория фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Айниқса, барокамера ёрдамида жароҳатдан сўнгги асоратлар, мия чайқалиши, ошқозон-ичак, юрак қон-томир, сурункали гепатит касалликларини даволаш ижобий натижалар бермоқда.

Поликлиникада, шунингдек, кундузги стационар ҳам мавжуд бўлиб, даволанувчиларга зарурий шарт-шароитлар билан биргаликда иссиқ овқат ҳам берилади.

«Туркистон-пресс»

Меҳнат ардоқлаган кишилар

Одамлар борки, танлаган ишида фидокорона меҳнат қилиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлади. Олмалик кон-металлургия комбинати темир йўл транспорт, саноат бошқармасида меҳнат қилаётган Мирза Хошимов ҳақида ана шундай илқ гаплар айтиш мумкин.

ҲАЁТ ЗАВҚИ

Йигирма икки йил аввал ушбу даргоҳга иш сўраб келган ёш йигитга унчалик аҳамият беришмади. Одатда-ғайдай усталардан бирига уни шогирд қилиб қўйишди.

Яхши инсонни ёниб турган шамга ўхшатишди. Ҳам ёниб туради, боз устига афрофа нур, ҳарорат улашади. Янги келган шогирднинг ҳаракатларини, тиришқоқлигини кузатиб турган Сергей Судоргин ёш йигитнинг елкасига қўлини қўйди:

Ҳаракатларинг ёмон эмас, - деди у. - Бир нарса ёдингда бўлсин, ҳалол топиб еган нон ширин бўлади. Устоз ўгитига амал қилган Мирза кўп вақт

Ижтимоий ҳимоя

йил давомида тумандаги 1-синф болаларига бепул тушлик ташкил қилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, вилоят «Матлуботсавдо» худу-

хонага ташиб етказиш ҳажми ортди, харажат қолар, беҳуда туриб қолишар қамайдди. Жамоанинг ҳамма аъзолари ишлаб чиқаришга оид бахтсиз ҳодиса юз бермади.

Кези келганда, Мирза Хошимов етакчилик қилаётган бригаданинг қўли билан ҳаётга қайтарилган ускуналар узоқ вақт, бениқсон ишлаётганини таъкидлаш жоиз. Натижада ишчилар ишлари унумли, топиш-тутишлари биргадани бўлаётганлигини ушбу бригадага чин дилдан миннатдорчиликларини билдиришди. «Бириники мингга», деган нақл бекорга айтилмаганлиги бу ерда ўз исботини топмоқда.

Муस्ताқил Ўзбекистонимизда чин дилдан, ҳалол меҳнат қилган киши юксак кадр топади. Мирза Хошимовнинг самарали меҳнатлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан тақдирланди.

Темир ХАЙДАРОВ.



3. РАХМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Қизилтепа пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамиятида тола ишлаб чиқариш икки ҳиссага кўпайди. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технология шундай имконият яратди.

Гап шундаки, бир қатор линтернинг агрегатдан олиб ташлашни электр қувватини тежашга ва бир йилда 7 миллион 300 миң сўм фойда олишга сабаб бўлди. Пахта тозалаш агрегатлари майдонида иссиқ муҳит пайдо қилиниши натижасида ҳам чигитдан ажратилаётган тола микдори кўпайиб, иқтисодий самарадорлик ошди.

Республикамиз зарбдор қурилишларида СИРДАРЁ КОЛЛЕЖЛАРИ

Юртбошимиз Сирдарё вилояти сессиясида сўзлаган нутқида воҳода маънавий-маърифий ишлар соҳасида кескин бурилишлар ясаш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтди.

Бугун Мирзачўл тўнғичи - Сир воҳаси халқининг қалби безовта. Боиси улар олдида масъулиятли вазифалар турибди. Бунинг улдасидан чиқишга чўлини жиловлаганлар авлоди қодирми? Айниқса, соғлом, маънавий баркамол, чуқур билимли ва эътиқодли фарзандлар тарбиялаш, уларга шарт-шароитлар яратиш беришдаги саяё-ҳаракатлар тахсинга лойиқ.

очилмоқда. Келажақда фарзандларимиз ва мураббийларимиз жаҳон андозларига мос қўллаб ўқув масканларига эга бўлишди, - деди таълим ва фан ҳодимлари вилоят қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаров. - Ўтган йили Гулистон шаҳрида 825 ўринли академик лицей қурилиши Гулистон туманида қишлоқ ҳужалик, Ширин шаҳрида энергетика, маиший хизмат коллежларининг қайта қурилиш иш бошлагани айти мудида бўлди. Маъзур билим даргоҳларида нафақат ўқувчи, балки ўқитувчи учун ҳам қатор имкониятлар яратилган. Қисқа фурсатларда вилоятимиз аҳолисининг катта қисми ана шундай замонавий таълим даргоҳларига эга бўлишди.

Мирзаобод тумани Нарўз қўрғонидан қад рस्ताётган 450 ўринли касб-хўнар коллежи қурилишини қўдан кечирдик. Маъзур иншоот қисқа фурсатларда, жадал суръатда барпо этилмоқда. 22,23,29-қурилиш

Н.НУРИЛЛАЕВ.

АЁЛ – ФИДОЙИ ЗОТ

Робия опанинг ташвишлари борган сари ортиб борар эди. Нима қилсин, жўжабирдай жон. Буюқда кенжалари кунда ҳархаша қилади: «Менга қачон тўй қиласизлар? Тўйимда менга ҳам янги велосипед совға қилишадими?»

Яхшиямки, маҳалла бор, халқ сайлаб қўйган оқсоқоллар, фаоллар, хотин-қизлар кўмитаси бор. Туман раҳбарлари одамларнинг дардидан ана шу фаоллар орқали хабардор. Робия опанинг ташвишлари ҳақида гап ўртага ташлангач, туманда яна шундай эҳтиёманд оилалар мавжудлиги маълум бўлди. Зеби Хасанованинг набираси, Жамол Очиловнинг ўғли, Робия Салмонқулованинг икки ўғли суннат тўйлари шу тариқа ҳокимият ҳисобидан ўтказилди. Болаларга кийим-кечаклар, совғалар, уларнинг оиласига гилам, палослар тақдим этилди. Бундан ташқари, болаларнинг бандажи ҳисоб рақамига ташкилот ва корхоналар томонидан маълум миқдорда пул ўтказилди.

Ёшлар бизнинг келажакимиз. Шу боис ҳам муқаддас никоҳ икки ёшнинг, икки хонадоннинг шахсий иши эмас, у туман миқдосидаги жиддий тадбир даражасига кўтарилди. Бу масалада илгари томон жиддий силжишлар бўлди. Утган йили тўй либослари кўрик танловидан кейин келинлар ихара қўйлақдан воз кечиб, миллий услубда тикилган оқ либослар, атлас ёпинчиқлар билан никоҳдан ўтадиган бўлдилар. Никоҳ гувоҳномалари ҳам кундузи бўладиган базмда тантанали равишда топширилмоқда. Келин либослари, тўй харажатлари маълум ўлчовга солинаётганиги туфайли ҳеч кимнинг кўнгли ўқиб қолмапти, ҳамма бирдай шодлик билан бахт кошонасига қадам қўймоқда.

Ҳа, ҳеч кимнинг кўнгли ўқисмасин экан. Яна фаоллар ташаббус кўрсатишди. Навоий номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Шароф Минғобоев ота-онадан етим бўлганлиги учун оила қуришга қўли калталиқ қилаётганидан хабар топди. Ҳокимият ва шу ҳўжалик ҳамжиҳатлигида никоҳ тўйи стадионда ўтказилди. Орзулар ушалди, икки қалб таскин топди.Тумандаги корхона ва

ташкilotлар ҳам қараб туришмади, келин-куёвга телевизор, гилам, палос, рўзгор буюмлари совға қилдилар. Қурилиш ташкilotлари эса оила шайидиган уйни чиройли қилиб таъмирлаб берди.

Яна бир тадбир — туманимиздаги 34 нафар юз ёшли қариялар — азизу мукаррам онахонлари отахонлар бир дастурхон атрофига тақлиф этилган кун ҳам байрамга айланиб кетди. Хусусий автоустахона эгаси Тожибой Абулқосимов, дўкон мудирини Гулчеҳра Болтаева, туман бош ветврачи Дўсан Эргашевлар оналарга кийимлик ва рўмоллар, оталарга қўйлак ва дўппилар тўхфа этиб, дуога доҳил бўлдилар. Туман ижтимоий таъминот бўлими ва деҳқон-фермерлар уюшмаси дастурхонга тортган нознеъматларни айтмайсизми! «Ҳаммаларингиз бизларнинг ёшимизга етинглар, юз ёшга қиринлар!» — онахону отахонларнинг дил сўзлари барча-барчани тўлқинлантириб юборди.

Оила — муқаддас деймиз. Бу бежиз эмас. Унга ҳеч қачон кўз теғмасин, биллур янглик дилларга ямоқ тушмасин. Илоё болалар етим қолмасин. Бу масалада ҳам яна фаолларимизга суяниб иш кўрмоқдамиз, ҳеч кимнинг арзи эътиборсиз қолмаслигига ҳаракат қилмоқдамиз. Балки ана шу жонқуярлик самараси ўлароқ ўтган йилдагига нисбатан оила бузилиши бир мунча камайди. Биз оилавий муаммолар аввал хотин-қизлар кўмитасида кўтарилишига эришдик. Ва илҳо жирича оилаларни сақлаб қолишга интилоқдамиз. Бунда бизга ҳаёт тажрибасига эга бўлган фаоллар яқиндан кўмак бермоқдалар: уларнинг ёшларга панд-насихати, йўл-йўриқлари ижобий таъсирини ўтказиб тур. Аразлашган келин-куёвлар яна бақамат яшаётганларини кўриб, ҳар бир нарсанинг асоси — астойдил ҳаракат қилишда эканлигига қайта-қайта ишонмоқдамиз Бинобарин, хотин-қизлар катта куч.

Муҳаррам СУЛТОНСАИДОВА, Оққўрғон туман хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Мана интиқиб кутган файзиёб баҳор фасли ҳам юртимизга таширф буюрди. Соғинчларга илҳақ кўнгишларга олам-олам қувонч кирди. Тўғри-да, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шундай кутлуг кунларда мунис аёлларга гул тақдим этиш даркор. Зеро, аёл ва гул нафосат рамзи.

Суратда: Чилонзор туманидаги Ҳ.Хасанов номли мактаб ўқитувчилари.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.



ГЎЗАЛЛИК МАДҲИ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўرғазмалар залида «Ўзбекистонда аёллар маданияти» мавзусидаги фото кўрғазма очилди. Унинг муаллифи германиялик этнограф оlima ва ёзувчи Габриеле Келлер хонимдир. Кўрғазмада туртимиз аёлларининг оилада, жамият ва сиёсатда тутган макеи ўз аксини топган бир юз элликдан ортик рангли фотосурат ва халқ амалий-безак санъати намуналари намойиш этилмоқда.

11 мартга қадар давом этадиган «Ўзбекистонда аёллар маданияти» кўрғазмаси Самарқанд, Бухоро ва Термиз шаҳарларида ҳам намойиш қилинади.

У чўлга отланди. «Тўмарисга ўхшайди-я» дейишди, у ҳақда қизилтепалликлар. Бу гапда ҳечам мулоҳаза йўқ. Ҳаётнинг аччиқ синовларига дуч келган Раъно барча-барчасига тантилиқ, ҳалоллик ва сабр-бардошни қалқон қилди.

Бутун умрини эл хизмати-га, жағарлик меҳрини ногирон укасининг фарзандлари тарбиясига бағишлади.

РАЪНО

1985 йилда Бўстон насос станцияси қурилиши ана шу жасур аёлнинг жарангдор, оташин ва аёвсиз нутки самараси бўлди. Ёлгончи ва хушомадгўйлар тиззаси қалтираган бир пайтда Раъно Тошрабат далалари сувсизликдан қовжирётганини, кўзбўямачилиқ, қилинмаган ишни қилинди деб кўрсатиш одат тусига қирганини рўй-рост айтди.



Ушанда зал сув қуйгандек жимиб қолганди. Бу шаккоклиги учун Раънони аёвсиз жазоламоқчи эдилар. Йўқ, агросаноат мажмуидаги раҳбарлардан бири мардлик қилди. «Жасур ва ўқтам экансан, қизим», деб унга далда берди. Ҳатто кейинги балоқозолардан асраиб қолди. Насос станцияси қурилишига ўзи бош бўлди.

Раъно тўғри сўз эди. Шу боис бу аёлни ҳамюртлари дил-дилдан олқишлар, ана шу бегараз меҳр баъзи мансабдорлар такурисини омонат қилиб қўйганга ўхшарди. Шунинг учун ҳам уни аста-секин масъул вазифалардан четлаштиришиб, ҳўжалик пилла аграноми, кейин эса химизаторликка тушириб қўйишди. Бу ҳам етмагандек...

Кунлардан бир кун кўчада кетаётган пилла агроними — Раънонинг қаршисидан чиққан партадоши унинг қўлига бир даста пул тутқазиб, танишларидан бирига бериб қўйишни илтимос қилди. Умрида бировга хиёнат қилмаган, элим-юртим деб кўйиб — ёнган Раъно қайдан билсин бунинг тагида шумлиқ борлигини. Ўн қадам ҳам юрмай уни «ашёвий далил» билан ушлашди. Оддий пилла агроними «пора билан» қўлга тушди. Ҳалол яшаб, ҳалол ишлаб топилган хурмат, обрў тупроққа қорилди, дунё қоронғу бўлди, аёл ҳибса олинди. Шум хабар эл оралади. Тошра-

бот оёққа қалқди. Уни поклик, софлик тимсоли деб билган қизилтепалликлар, навоийликлар адолат ҳимоясига отландилар. Тўхматнинг умри қисқа бўлиб чиқди. Қасд қилганлар қазилган чоҳга ўзлари йиқилишиб, шармисор бўлишди. Шунда эҳтимол ҳаётида биринчи марта Раънонинг ўпкаси тўлиб қўзларига ёш қалқди. Қалбида ҳаётга, одамларга умид, ишонч олови ёнди.

Тошрабатда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сайлови бўлаётган эди. Ҳокимлик вакили раисликка номзодни эълон қилди. Шу пайт залдан кимдир Раъно Валиева номзодини ҳам тавсия этганда йиғилганларда жонлиниш сезилди. Раъно ўрнидан туриб кўрсатилган номзодга ишонч билдириб, йиғилганларга янги раисга ишда баҳамжиҳат ёрдам беришга чакирганида одамлар аёлдаги бағрикенглик, тантилиққа яна бир бор таҳсин ўқишди. Раъно ўзига ер беришларини сўради.

Аёл яна гайрат отига минди. Далага отланди. Утган йилнинг ёзида унга Уртачўлдан 78 гектар галладан бўшаган майдонни ажратиб беришди.

Раъно келгуси баҳорни кутиб турмади. Ерни соғинган эканми, имкониятини чамалаб 6 гектар майдонга макка уруғи қадади. Ўзим чўлнинг жазирама иссиғи-ю, чулчуп урганда юзни куйдирадиган, нафасни қайтарадиган гармселига кўниқди. Меҳнат исзис кетмади. Ҳосил бўлиб берди. 25 тонна макка дони олишиб, паррандачилиқ фабрикасига қилосини 35 сўмдан сотишди. Ҳар қалай бундан ҳам эришилган илк ютукдан бироз гуруру сурур, ҳам иш бошлашга асқотадиган дурустинга даромад топишди.

Кўзда 50 гектар майдонга галла экишди. Қолган майдонларни пахта экишга тайёрлаб қўйишди. Чўлда ўзлари учун бошлана ҳам қуриб олишди. Қўм-қўк бўлиб буй чўзаётган яшил майдонларни айланаркан, Раънонинг дилида орзулар жўш уради. Эрта-индин бу ерларда чорвачилиқ фермаси, қайта ишлаш кичик корхонаси буй чўзади. Мўҳими, илк қадамлар қўйилди. Шунда у ҳаётда ўз ўрни борлигини, одамларга кераклигини, жуда-жуда кераклигини ҳис қилади.

Сенга ҳавасим келади, Раъно!
Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.
Навоий-Қизилтепа-Уртачўл.

КИМНИНГ УЧТА ҚИЗИ БЎЛСА...

Аёлларга имкон қадар илқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим.

Амир ТЕМУР.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифлариде: «Кимнинг учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кунини жаннатга киритади», — дедилар. Шунда бир киши туриб: «Иккита қизи бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?» — деб сўради. «Иккита қизи бўлса ҳам», — деб айтдилар. Он ҳазратларидан: «Битта бўлса-чи?» — деб сўради иккинчи киши. «Битта қизи бўлса ҳам», — деб жавоб бердилар Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом.

Имом ал-БУХОРИЙ.

Аёл фидойилик нималигини тушунибгина қолмай, ўзи ҳам фидойилик намунасини кўрсатишга қодир бўлган зот.

И.ТУРГЕНЕВ.

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

СТЕНДАЛЬ.

Доно аёл! Агар эринг барча бўш вақтини сен учун сарфлашини истасанг, унга ҳеч қаерда кўрмаган, ҳис қилмаган иззат-икром ва лаззатлар ато қил.

ПИФАГОР.

Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади.

Япон мақоли.

Эр-хотиннинг жони иккита, нияти битта.

М.СЕРВАНТЕС.

ЭНГ УЛУФ, ЭНГ МЎЪТАБАР

- **Оқила, тадбиркор бўлса гар аёл, Қўлида игнаси найза-ю ўқ мисол. ДЕКЛАВИЙ.**
- **Кўча севгиси уйни барбод этар, Уйининг хотин меҳри обод этар. Шайх САЪДИЙ.**
- **Юз туман нопок эрдин яхшироқ, Пок хотинлар обғининг изи. Алишер НАВОЙЙ.**
- **Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир. В.ШЕКСПИР.**
- **Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир. Ф.ФРАНС.**
- **Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳаммаша қанот бағишлаб келган. Р.РОЛЛАН.**
- **Бизнинг хотинларга ҳаё — фазилат, Вафо — хунаридир, меҳнат — одати. Фафур ФУЛОМ.**
- **Фарзанд гулдир, она бир бўстон, Шунинг билан олам гулистон. Ҳамид ОЛИМЖОН.**

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 10-туғруқхона шифокорлари ҳам 8-Март байрамини шоду-хуррамлик билан кутиб олишяпти.

Соғлом авлод йилида соғлом чақалоқлар дунёга келаяпти. Бу энг катта хурсандчилик — дейшмоқда тиббиёт ходимлари.

Суратда: Болалар шифокорлари Муборак Йўлдошева ва Раъно Юсупова.

Д.АХМАД олган сурат.



ОНА МЕҲРИ

Ҳориж саёҳатидан қайтарканмиз, об-ҳаво туфайли Москвада пича ушланиб қолдик. Қарасак, ҳали-бери йўлимиз очилмайдиган. Охири, Қирғизистоннинг Ўш шаҳри орқали учадиган тайёрага ўтирдик. Тайёрагоҳдан «такси» ушлаб келарканмиз, шундоқ йўлим устидаги онамни кўрмасдан ўтишни гуноҳ ҳисобладим.

— Ҳа, боласи тушмагур, бунча ҳаяллаб кетмасанг, — онам мени гина-қудурат ила қаршиладилар. — Қайси кунни укангни жўнатсан ҳам дарак йўқ, деб келди. Оилалик одам шунча сандироклайсанми?

Бағриларига босиб бир оз ҳовурларидан тушган, сўроқ-саволга тутдилар:

— Қачон қайтдинг? Хабар ҳам бермайсан? Аканг билан ўтиб келардик.

— Ҳозиргина. Ана, кўчада қирақаш машинамиз ҳам кутиб турибди.

Онам шу заҳоти дарров ўзгардилар.

— Ҳеч эсинг қирмади-қирмади-да, сени. Бир уй ўғил-қизинг йўлингга муштоқ ўтиришса-ю сен бу ёкда нима қилиб юрисан. Тез уйингга жўна. Бола-чақанг ёнида сал нафас ростлагач, келарсан!

Кейин эшитдим. Мени калтак солиб қувлаган онам холамга арз қилибдилар:

— Ҳайдаҳа ҳайдаб солдим-у сўнг минг

пушаймон бўлдим. Дийдорига тўймадим боламни...

АРМОН

Қачон қишлоққа бориб ётиб қолсам, онам бошларимни силаб уйқудан уйғотар ва:

— Тур, тура қол, жон болам. Аллоҳнинг эрталабки насибасидан бебахра қолма. Яратган тонг сахар барчага ризқ улашиб чиқади. Тонг билан тенг уйғонган кўп яшайди, насибаси бут бўлади, — дегувчи эдилар. Бирга нонушта қиларканмиз, тушларимни айтардим. Қандай туш кўрмайин, фақат яхшиликка йўрардилар. Масалан, баллиқ тугиб юрганганимни айтсам:

— Балиқ ҳалоллик белгиси, болам, ҳалол нарсани кўрган одамнинг иши бароридан келади, худо омадингни бераркан, дердилар. Тушларимда учсам:

— Бегуноҳлигинг аломати бу. Доим покиза юр, тўғри бўл, — дея насихат қилардилар.

...Ажабо, бугун тушимда ота-онамни кўриш учун қишлоққа кетаётганмишман. Ал-қачча йўл босганимдан сўнг, қаршимдан сероу дарё чиқибди. Кўпиркиннинг ярмини тошқин босган эмиш. Машинам гилдирақлари остидан ойнадек ялтираган обихаёт зарраларини сачратиб қирғоққа чиқибман.

Ушбу тушимдан волидаи мукаррамам

Таъзим

тирик бўлганлариде қандай таъбир чиқардилар? Имоним қомилки, ундан ҳам бирор яхшилик, хайрли нишона топардилар, кўнглимни кўтарардилар, яшашга, ишлашга, келажакка иштиёқимни оширардилар, афсуски, энди тушларимни бировга айта олмаймам. Уларни онам сингари эътибор билан тинглайдиган, менинг кўнглимга ёқадиган тарзда йўна оладиган одам йўқ, дунёда. Ўйлаб қарасам, бундай фазилат фақат оналарга хос экан.

КАЛЬ ТУЙҒУСИ

Қачонки йўлим тушса, онам мени нукул дарвоза ёнида пойлаётган бўлардилар. Бунга мен:

— Ҳа, онажон, париларингиз таширфимдан хабар беришдим, — дея ҳазиллашиб кўярдим.

Онам ширин жилмаярдилар-да ўзларини «болалардек» оқлашга тушардилар.

— Тонг сахар қорамош мушугимиз ҳовлида бет ювди, кейин укангнинг кичкиниси эмалаётган жойида оёқларини орқасидан йўл қаради, ҳозиргина ҳаққа марватак тепасига кўни олиб роса шаклланганди.

Онамнинг гапларига келиноийм хандон отиб қулардилар:

— Ойижонимизнинг хабарчилари шунақа кўп. Келишингизни ростдан биладилар.

Уша кун дарвоза олдидан кета олмай қоладилар.

Энди ўйлаб қарасам, ҳеч қандай фаришга улам, бошқалари ҳам эмас, оналик туйғусигина оғоҳлантираркан, волидамни.

ГИНА

Радиога ишлаётган кезларим эди. Уйга борсам, отам, ака-укаларим, келину келиноийм ҳаммалари онамнинг радиокарнари ёнидан кетмай қолганликларини кула-кула айтишарди. Агар менинг муҳаррирлигимда ёки ўзим тайёрлаган эшиттириш қўйилса, ҳовлимиздагиларнинг барини, ҳатто, кичик жиянчаларимгача тўплаб олиб, мажбуран тинглатарканлар. Уйга бир сафар борганимда ранжинган бўлдилар:

— Утган кунни телевизорда кўриндинг. Менга қараб гапирясану «Ҳа, онажон, қалайсиз, соғ-саломатмисиз» деб кўярмикансан, деб роса озгинни пойладим. Қаёқдаги нарсаларни жаврадинг, мени эсингга ҳам келтирмадинг. Иши кўп, ёдига келмагандирман-да десам, Ҳосият эгачим:

— Бола олдингга юрмаганидан кейин меҳриям узоклашади-да, деб мени чимдиб олди. Кетганидан кейин ўтириб роса йилгадим, дедилар, онажоним!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

